



Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI



● 2017-yil, 21-mart. Seshanba ● 34 (32.249)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Она дийримизга барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу улуғ айём — шарқона янги йил билан каттаю кичик барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу кутлуг кунда сиз азизларга, сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Мухтарам дўстлар!

Бу йилги Наврўз байрами барча шаҳар ва қишлоқларимизда умумхалқ сайиллари тарзида ўтаётгани унга ўзгача фойз ва шукуҳ бағишламоқда.

Наврўз руҳи ва фалсафаси Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг гоё ва мақсадлари билан уйғун ва ҳам-оҳанг равишда намойён бўлмоқда.

Эл-юртимиздаги азиз инсонлар бир-бирларини кутлаб, дала ва қирлар, бог ва майдонларда Наврўз байрамини шоду хушамлик билан нишонламоқдалар. Дошқозонларда сумаларни пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайил-томошалар қиймоқдалар. Шу ёруғ кунларга етказгани учун шукуроналар айтмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва муруват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, кешалар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзнинг фойзига янада фойз қўшмоқда.

Шавкат МИРЗИЕЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Россия Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга табрик йўлаган.

Россия Президентининг қутловида бундай дейилади: «Ўтган йилларда Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Кенг қамровли сиёсий мулоқотлар, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биргаликдаги савй-ҳаракатларимиз билан Россия ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш йўлида ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатларини янада ривожлантиришимизга ишончим комил».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қутловида

«Ўтган тарихий даврда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серкирра ва кўп томонлама муносабатлар ривожига салмоқли натижаларга эришилгани мамнуният билан таъкидланган.

Давлатимиз раҳбарининг қутловида таъкидланганидек, «Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо ва инвестициявий ҳамкори ҳисобланади. Нефть-газ комплекси, машинасозлик ва электротехника соҳалари, тўқимачилик, фармацевтика ва озиқ-овқат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар биргаликда амалга оширилмоқда ва янги лойиҳалар тайёрланмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида бевосита алоқалар ривожланмоқда».

Президентимиз «Москвада бўлиб ўтган ўрнатиш Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга хизмат қилади», деб ишонч билдирган.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон Президенти Пранаб Мукержи Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга табрик йўлаган.

Ҳиндистон Президентининг қутловида бундай дейилади: «Сиз Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан ўзининг самимий табрикларини йўллашдан гоёта мамнунман.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мавжуд. Ҳамкорлигимиз икки томонлама асосда, шунингдек, бутун дунёда тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, халқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида халқаро форумлар доирасида изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлайман. Ўтган 25 йил давомида биз янада яқинлашдик ва стратегик шериклик муносабатларимиз ўзаро манфаатли барча соҳаларда мустаҳкамланди».

ЎзА

Қорли-қировли кунлар орта қолди. Кўнгиллар кўклар суруридан яйраммоқда. Она замин ўз баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик қўзғатилмоқда: кечагина оппоқ қордан қадди-баста эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дараклар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди.



БАХТЛИ-САОДАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ФАЙЗЛИ БАЙРАМИ

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз сайиллари бўлиб ўтмоқда

Кўёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қуватиб, кўкка бўй қўзғайди. Бугун берлиқда уйғониш, янгиликлар, яшариш манзаралари.

Борлиқдаги уйғониш, янгиликлар ва яшариш овози ва обод Ватанимизга боқий байрам, кут-барака, тўқинлик ва меҳру оқибат рамзи — Наврўзи олам келганидан дарак беради.

Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз «Хўш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадиминг кутлуг бўлсин! Юртимиздаги

тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 февралдаги «2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Наврўз байрами бу йил мамлакатимизда умумхалқ сайли сифатида нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи байрамона безатирилган. Карнай-сурнай садолари эрта тонгдан халқни сайлига чорлади.

Эзулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафбат, янгиликлар ва яшариш айёми қалбларга сурур, олам-олам қувонч ва янги-янги орзу-хаваслар бахш этади.

Бог ҳудуди «Наврўзи олам муборак!» «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!», «2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» каби шиорлар, хушбўй гулу чечаклар билан безатилган. Турфа ранг байроқлар ҳилпирайди, ранго-ранг шарлар майин эпкиларда тебранади.

Сайилда халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган айвонлар, йўлак бўйлаб устаю хўнарандлар,

ганчкорлар, каштадўзу чеварлар миллий либосларимизни, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбобларини, миллий буюмларни намойиш этмоқда.

Давлатимиз раҳбари кўргазмага қўйилган маҳсулотларни кўздан кечирди. Усталар билан суҳбатлашиб, байрам билан табрикланди.

Президентимиз байрам сайлида иштирок этаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро таъкилотлар ваколатхоналари вакиллари билан кўришиб, уларни байрам билан муборакбод этди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОНДА НАВРЎЗ САЙЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан
Ватанимиз бўйлаб тантана қилинмоқда



Сурхондарё

Очил ПАРДАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими:

— Мен мустабид тузум даврида чорак асрдан зиёд Бойсун туман газетасида бош муҳаррир бўлиб ишладим. Лекин унда Наврўз ҳақида мақола босилганини эслолмайман. Чунки у ҳақда ёзиш таъкидланган эди. Одамлар ўшанда пана-насткамларда Наврўз байрамини пинҳона нишонларди. Истиқлол туфайли бу айём катта майдонларга кўчди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Наврўз байрами бу йил халқ сайлига айланган.

Биз бойсунликлар ушбу байрамни азал урф-одатларимизга кўра, Инкабод қишлоғидаги қир-адирларда кутиб олдик.

Наврўз байрамининг ўзига хослиги шундаки, бунда гина-қудуратлар унутилиб, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳроқибати жўш уради. Аҳиллик, поклик, бунёдкорлик каби гўзал туйғулар қанот ёзади. Ҳозир қайси бир хонадонга ёки маҳаллага кирманг, дошқозонларда сумалак қайнапти, тўй-тантаналар ўтказилапти.

Мен учун бу йилги байрамнинг яна бир қадри шундаки, айнан Наврўз кунини тўқсон ёшга тўлдим. Эрта тонгдан яқинларим, айниқса, шогирдларимнинг кутлаши кўнглимни тоғдек кўтарди. Мен ана шундай дориланом кунларга етказгани учун Яратганга шукр қиламан.

► Давоми 3-бетда.

Ерик УТЕМБАЕВ:

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ БАЙРАМИ

— Наврўз — Шарқ халқларининг энг эъозли, энг гўзал байрамидир. Халқларимиз учун умумий бўлган бу айём Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Тожикистонда расман байрам кунини, деб эълон қилинган.

Наврўз қарийб беш минг йиллик тарихга эга қадимий байрамдир. Одатда, бу кунда низола тўқатилган. Оқсоқолларимиз ундан бир-бирига адовати, гина-қудурати бўлган томонларни яраштиришда фойдаланган. Наврўзда аргимчок — алтибакан учиб каби халқ ўйинлари, полвонлар, оқинлар беллашуви, айтишувлар, от пойгалари, болалар ўйинлари ва бошқа тадбирлар ўтказилган. Шарқона янги йил ҳисобланган ушбу байрамни бугунги кунда ҳам Қозоғистон ва қардош Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари биргаликда кенг нишонлайди.

Маълумки, БМТ Бош ассамблеясининг 2010 йил 19 февраль кунини ўтказилган 64-сессиясида 21 мартни Халқаро Наврўз кунини, деб эълон қилиш тўғрисида резолюция қабул қилинган.

► Давоми 2-бетда.



ЎЗБЕКИСТОНДА НАВРЎЗ САЙЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ватанимиз бўйлаб тантана қилинмоқда

Хоразм

Рўзимбой ҲАСАН,
ёзувчи:

— Хоразмда Наврўз ўзига хос тарзда нишонланади. Бир томонда лазги жаранги, бошқа майдонда қўчқор уруштирувчилар, хўроз жанги, хивалик халфаларнинг дил ўртар айтимларини эшитган одамнинг бутун вужуди қулоққа айланади. Пахлавон Маҳмуд авлодларининг кураш беллашуви барчани ўзига тортади. Комилжон Отаниёзов томонидан айтилган ўлмас қўшиқлар қалбларни ларзага солади. Хоразмлик пазанда аёллар дастурхонга тортган сумалак, кўк чучвара, қатлама каби миллий таомларнинг хушбўй ҳиди ишпаҳани қитқилайди. Бу йилги Наврўз сайиллари бизнинг Хоразмда жуда кўтаринки кайфиятда, ҳамжиҳатликда ўтмоқда, одамларнинг руҳи баланд. Кимга қарасангиз яратиш, бунёд этиш, барпо қилиш мақсади билан яшамокда.

Самарқанд

Ҳасан НОРМУРОДОВ,
«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

Президентимиз ташаббуси билан Наврўзни халқ сайли сифатида нишонланиши халқимизни янада жипс-лаштирди. Наврўз энг қадимий урф-одат ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган миллий байрам сифатида янгиланди, мазмунан янада бойитилди, деб ўйлайман. Бугун минглаб самарқандликлар шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда катта тантана қилишмоқда. Байрамларни бундай нишонланиши жамиятга нима беради? Менимча, энг аввало, раҳбарларни халққа яқинлаштиради. Бундай сайилларда халқ нима билан нафас олаяпти, уларнинг кайфияти қандай, деган саволларга бемаъл жавоб олиш мумкин. Наврўз фалсафаси замирида халқ билан мулоқот тушунчаси бор, деб ҳисоблайман. Ҳақиқий Наврўз сайлини кўрмоқчи бўлганлар Ургутга, Қўшработга, Нуроботга, Булунгурга келсин. Бу ерлик самимий инсонлар меҳмонни бошига қўтаради.

Қорақалпоғистон

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси:

— Бу йилги Наврўз ўз номи билан халқ сайлига айланишини жойларда бўлаётган тўй-томошалардан билса бўлади. Мен кечагина Тахиятош шаҳрида ўтказилган Наврўз байрамида қатнашиб келдим. Эл-улус, ёш қари ҳаммаси ўша ерда, ҳамма хурсанд, буни кўриб кўнглим тоғдай кўтарилди. Илгари Наврўз битта жойда ўтказиларди, унда чекланган одамлар қатнашарди. Бу йилги Наврўз ҳар бир хонадонга кириб борди, десам хато қилмаган бўламан. Ҳар бир қорхона ва ташкилотда, муассаса ва маҳаллаларда, овуларда тўкин байрам дастурхони ташкил қилинапти, концертлар уюштириляпти, спорт мусобақалари ўтказилляпти, ҳақиқий тўй бўляпти. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кекса инсонлар, ногирон, беморларнинг ҳолидан хабар олиниб, кўнгли сўралайпти. Чимбой, Хўжайли, Элликқалъа, Беруний, Шуманай, Амударё туманларида бўлиб ўтган Наврўз томошалари анча вақтгача халқимизнинг дилида сақланиб қолади, деб ўйлайман.

Бухоро

Қиёмиддин ҚҮЛДОШЕВ,
Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

— Бутун мамлакатимиз бўйлаб Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда бобо деҳқонларимиз байрамни нишонлаш билан бир қаторда далаларда боғ яратмоқда, уруғ сочмоқда. Депутат сифатида Наврўз сайилларида иштирок этиб, кўннинг иккинчи ярмида Шофирконга одамлар билан учрашувга келдим. Чунки ҳозир фермер деҳқонларнинг кечаю кундуз тиним билмай ишлайдиган вақти. Бугун қилинган меҳнат эртага халқимиз дастурхонининг тўкин бўлиши, давлатимиз иқтисодиётининг ривожланишига хизмат қилади.

Анджон

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
журналист:

— Наврўз нашъу намоси, қарнай-сурнай садоси элу улусни Шахрихон шаҳри марказидаги боғда ўтказиладиган Наврўз сайлига чорлади. Жарчиларнинг жарангли овози атрофни тутди. Боғда Наврўз ифори, гўзаллиги, таровати намён. Қадам қўйганлар янгиланиш нафасидан баҳраманд бўлиб, кайфияти кўтарилди. Шодиёна дўст-қадрлар билан янада файзли, қувончли. Миллий кийимлари жуда ярашган қардош халқлар вакиллари бир-бирини табриқлайди. Наврўз таомлари, пишириқлар, турли ноз-неъматлар дастурхони меҳмонларга мунтазир.

Жиззах

Нигина АБДУРАЗЗОҚОВА,
Жиззах санъат коллежидан 3-босқич ўқувчиси:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби: — Жиззах ўзининг бетакрор гўзал манзаралари, сода, самимий, кўнгли очиқ одамлари билан машҳур. Бу замин фарзандларига она табиятининг ўзи илҳом беради. Зомин шаршараси, Ойқор тоғи каби мўъжизаларни кўрган инсон ё шеър ёзади, ёки расм чизади, ё қўшиқ айтади. Жиззах санъат коллежида ўқиш давомида устозларимдан рассомлик сирларини ўргандим. 2014 йилда Бахмал туманидаги мактабда ўз шахсий кўргазмани ташкил этдим. «Юрт келажиги», «Ораста қизлар» кўрик танловларида, «Ёш талбиркор юртта мадалкор» лойиҳасида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим. Наврўз байрами арафасида камгарона меҳнатларим, Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилгани менга олам-олам фахр, гўрур бағишлади. Айниқса, бу юксак мукофотни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи топширгани ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди.

Фарғона

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бу йил Наврўз ҳақиқий халқона байрам сифатида нишонланаётгани фарғоналикларнинг ҳам юз кўзида ўз ифодасини топпоқда. Кеча оиламиз билан Олтиариқда ўтказилган халқ сайлида иштирок этган бўлсак, бугун вилоят марказида ташкил этилган тантаналарни томоша қилиш учун келдик. Ҳақиқатан, Наврўз байрамнинг асосий қисми томоша ҳисобланади. Бизда қадимдан «Майдон томошаси» деган тушунча бор. Ўрни махсус тайёрланган саҳналарда эмас, далаларда қизиқчилар, халқ театри вакиллари, дорбозлар, аскиячилар, халқ ансамбллари чиқишлари бўлган. Ана шундай кенг майдон томошаларидаги қадимий урф-одатлар, ҳаракатлар, рақслар кейинчалик бизгача етиб келган. Наврўз байрами халқ сайли сифатида нишонланиши ана шу қадимий анъаналарнинг қайта тикланиши ва уларни келажак авлодларга етиб боришида муҳим ўрин тутди.

Наманган

Носир АББОС,
поэти:

— Наврўз байрами наманганликлар ҳам ўзгача кўтаринкилик билан пешвоз чиқилди. Вилоятнинг 800 дан зиёд маҳалла ҳудудларидаги кўча ва хиёбонлар, гузарлар ободонлаштирилди. Бу галги Наврўз байрами сайил тарзида ўтказилаётгани кекса-ю ёшга бирдай маъқул келди. Вилоят марказидаги Бобур, Машраб, «Қамолот», Кичкинтойлар боғлари ҳамда янги барпо этилган «Уч Ғаввора» хиёбонида сайиллар ўтказилмоқда. «Ўлкамга хуш келдинг, Наврўзи олам» деб номланган театрлаштирилган байрам сайлида Гурумсарой кўлоллари, Чортоқ зардўзлари, Нанай хунармандларининг мўъжизага қиёс маҳсулотлари, косонсойлик, коросконлик, чустлик дорбозларнинг бетакрор чиқишлари, ўқув марказларининг миллий либослар кўргазмалари, рақс ва аскиячилик, миллий халқ ўйинлари, шоирлар мушоиралари, спорт мусобақалари, миллий таомлар ва дастурхон безаш танловлари, ош ва сумалак тайёрлаш беллашувлари ўтказилмоқда. Халқаро спорт мусобақалари ғолиблари фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат йўналишларида катта муваффақиятларга эришиб, эътироф этилган истеъод соҳиблари билан учрашувлар, рассомларнинг амалий кўргазмалари, нуронийлар гурунги каби талбирлар сайил мазмунига мазмун қўшмоқда. 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва яққа-ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда мулоқотга киришиш маркази томонидан совға-саломлар улашилди. Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда Наврўз бирдамлик, меҳр-оқибат ва мурувват, ҳамжиҳатлик, саховатпешалик, Она табиятни асраш ва бунёдкорлик аёйми сифатида улуғланмоқда.

Қашқадарё

Акрам АКБАРОВ,
Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

— Халқимизнинг мана шундай нурафшон кунларини кўриб, ўтган асрнинг 40-йиллари ёдимга тушади. Ўша пайтда одамлар Наврўзни нишонлаш учун раҳбарларнинг кўзидан панароқ жойларга чиқишарди. Топган-тутганларини ўртага қўйиб, яширинча байрам қилишарди. Шундай оғир давларда ҳам халқ Наврўзни унутиб юбормасди. Ўша вақтларни бугунги кунлар билан солиштирсак, худди эртакка ўхшайди. Одамнинг ишончиси келмайди. Вилоятимиздаги Наврўз сайилларининг асосий талбирлари «Соҳил» хиёбонида ташкил этилди. Бу ерда дошқозонларда ош давланиб, сумалак тарқатилмоқда. Сайилгоҳдан эрта тонгдан то кун оққунча одам аримайди. Тоғли туманларимизда Наврўз қир-адирларда нишонланмоқда. Айниқса, Қамашли, Нишон, Деҳқонбод, Муборак туманларида халқ сайиллари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Сирдарё

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси:

— Мана бир неча кундирки, Гулистон маданият ва истироҳат боғида вилоятимизнинг шаҳар ва туманлардаги фольклор-этнографик жамоалари наватма-нават ўз чиқишларини намойиш этишмоқда. Сайилларда миллий либослар, таомлар, хунармандлар томонидан тайёрланган турли буюмлар кўргазмаси ташкил этилган. Уларда ҳар бир ҳудуднинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, ютуқлари акс этган. Сўриларда ўтирган табаррук отахон ва онахонлар дуога қўл очиб, Яраттандан юртга тинчлик, осойишталик, тўкинлик, элимизга ришқ-рўз, барака беришини сўрайпти. Келин саломлар, ёр-ёрлар авжиди. Сайхунободлик аёлларнинг дастурхонидан ўнлаб миллий таомлар бор. Ширин шаҳри вакиллари кўргазмасини таърифлашга сўз топилмайди. Истироҳат боғидаги давраларда миллий удумларимиз акс этган. Кимдир узатиладиган қизига кўрпа қавияпти, кимдир урчуқ йигирапти, яна бир аёл қадимги хунар — қанор тўқиш билан банд. Дастурхонлардаги Наврўз таомларининг адоғига етиб бўлмайди. Мана, сирдарёликлар байрамни қандай нишонлашмоқда.

Тошкент

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Зангиота туманидаги Назарбек қишлоқ врачлик пункти мудири:

— Бир неча кундан буён Тошкент вилоятидаги барча истироҳат боғлари, маҳалла гузарларида Наврўз тантаналари ўтказилмоқда. Зангиота туманида ташкил этилган халқ сайлида иштирок этиб, кўнглим тоғдек кўтарилди, миллий байрамимизнинг кучи-қудратига қойил қолдим. Ҳатто бир-бирини билмаган, танимаган одамлар ҳам байрам билан табриқлаб, ўйин-кулги қилишмоқда. Мана, бир неча йилдан бери депутат, сенатор сифатида халқ орасида жуда кўп юраман. Очигини айтишим керак, Наврўзнинг бу йил халқ сайли тарзида ўтказилаётгани одамларимизнинг, халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Бу уларнинг кайфияти, хурсандчиликларида яққол намён бўлиб турибди.

Навоий

Нормурод ИСОҚОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими раиси:

— Наврўз аёйми вилоятимизда ҳам катта тайёргарлик, шоду хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Одатда Наврўз олдидан халқимиз ҳашар қилиб, ариқ ва зовурларни тозалайди, атрофни ободонлаштиради. Байрам арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида вилоят бўйича 432 мингдан ортиқ манзарали, 316 520 мевали дарахт қўчатлари ўтказилди. Шунингдек, 583 мингдан ортиқ гул қўчатлари экилди. Ўшбу талбирларни амалга оширишда вилоятимизнинг барча фуқароси фаол иштирок этди. Мана шундай обод манзилларда ўтказилаётган сайиллар одамларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, оиласи бағрида бахтли яшашда муҳим ўрин тутди. Навоийликлар Наврўзи оламни кўтаринки кайфият билан қарши олишмоқда.



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Наврўзи олам юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!



«ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни — Наврўзи олам билан табриклайди!

Ҳурматли истеъмолчилар! Фойдаланилган электр энергияси
ҳақини ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай ўз вақтида
тўлашни унутманг.



Хизматлар лицензияланган.



TOSHRANGMETZAVOD

халқимизни

НАВРЎЗ

байрами

билан муборакбод этади!

Маҳсулотлар сертификатланган.



«ФАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни,
соҳа ходимларини

Наврўз байрами
билан қутлайди!



Маҳсулотлар сертификатланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338
17662
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 23:15
Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5